



Election campaigns and their preliminary results (on the example of Islamic Republic of Iran)

Sarvarbek FAYZULLAEV¹

Tashkent State University of Oriental Studies

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2022

Received in revised form

25 September 2022

Accepted 20 October 2022

Available online

25 November 2022

ABSTRACT

In this article, the author analyzes economic situation of the country from the day Ibrahim Raisi, the President of the Islamic Republic of Iran, came to power. This analysis is based on the results achieved taking into account the pre-election campaigns of the President.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss10/S-pp83-89>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Keywords:

inflation,
oil exports,
subsidies,
pension payments,
real estate,
housing crisis,
macroeconomic indicators,
protests.

Сайловолди ташвиқотлари ва уларнинг дастлабки натижалари (Эрон Ислом Республикаси мисолида)

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф томонидан Эрон Ислом Республикаси президенти Иброҳим Раисий ҳокимият тепасига келганидан то ҳозирги кунга қадар бўлган мамлакатнинг иқтисодий ҳолати таҳлил қилинган. Мазкур таҳлил Президентнинг сайловолди ташвиқотларини инобатга олган ҳолда эришилган натижалар бўйича кўриб чиқилган.

Калип сўзлар:

инфляция,
нефть экспорти,
субсидия,
пенсия тўловлари,
кўчмас мулк,
уй-жой инқирози,
макроиктисодий
кўрсаткичлар,
норозилик намойишлари.

¹ Independent applicant, Tashkent State University of Oriental Studies, Inspector of the Agency for Development of Civil Service under the President of the Republic of Uzbekistan. E-mail: fayz55@mail.ru.

Избирательные кампании и их предварительные результаты (на примере Исламской Республики Иран)

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:


Инфляция,
экспорт нефти,
субсидии,
пенсионные выплаты,
недвижимость,
жилищный кризис,
макроэкономические
показатели,
протесты.

В данной статье автор анализирует экономическое положение страны со дня прихода к власти президента Исламской Республики Иран Ибрахима Раиси. Данный анализ основан на результатах, достигнутых с учетом предвыборных кампаний Президента.

Эрон Ислом Республикаси (бундай кейин матнда “Эрон” деб юритилади) президенти Иброҳим Раисий ҳокимият тепасига келганидан то ҳозирги кунга қадар бўлган мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини ўрганиб чиқамиз. Биринчи галда, Эрон халқини ташвишга соладиган ва уларнинг кундалик ҳаётига бевосита таъсир қўрсатадиган иқтисодий ваъдалар кесимидағи ислоҳотларни кўриб чиқамиз, сўнгра мамлакатнинг умумий иқтисодий қўрсаткичлари билан боғлиқ ўзгаришларни таҳлил қиласиз.

Кeling, сайловолди компанияси ташаббусларининг аксариятига тўхталиб ўтамиз, улар: йилига миллион иш ўрни яратиш, инфляция қўрсаткичларини тушириш, иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, ишламаётган заводлар муаммоларини ҳал қилиш, нефть экспорти, қўшни давлатларга экспорт ҳажмини ошириш, юқори ижара ва танқис арzon уй-жой муаммосини ҳал қилиш, қашшоқлик даражасини пасайтириш ва коррупцияга барҳам бериш ҳамда бошқалардан иборат. Санкцияларни бекор қилиш ташқи сиёсатнинг асосий ўқи эди.

Инфляция даражасини 10 фоиздан пастроққа мақсадли йўналтириш. Бу мақсад Иброҳим Раисий томонидан берилган энг муҳим ва энг асосий ваъдалардан бири эди, аммо у бу қўрсаткичга биринчи йил давомида тўлалигача эриша олмади. Аксинча, вазият назоратдан чиқиб кетди, инфляция даражаси рекорд даражага етди, натижада йилнинг баъзи ойларида инфляция қўрсаткичи 50 фоизга етди.



1-расм. Эроннинг инфляция кўрсаткичлари (2021-2022)
(Манба: Эрон статистика маркази)

1-расмда Эрон статистика маркази томонидан эълон қилинган сўнгги маълумотларга қўра, жорий йилнинг август ойи якунида инфляция даражаси 52,2 фоизни ташкил этган. Шу билан бирга, ҳисоботга қўра, сўнгги 12 ойдаги кўрсаткичлар олдинги 12 ой билан таққослаганда йиллик инфляция 41,5 фоизга кўтарилиган. Инфляция даражаси жорий йилнинг март ойида нисбатан бироз секинлашган бўлса-да, май ойидан бошлаб ўсиш суръати тезлашди.

Маълумотларга қўра, ижара ҳақи, дори-дармон ва ресторон овқатлари ўтган ойда энг юқори кўрсаткичга эга бўлган, аммо товуқ гўшти ва водородли пишириш ёғи нархи бироз пасайган. Эрон учун ҳал қилувчи муаммо – бу йил озиқ-овқат соҳасида инфляциянинг юқори даражаси ҳисобланади. 2022 йил июнь ойида озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий йиллик инфляция даражаси 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 87 фоизни ташкил этди, аммо Эроннинг айрим қисмларида бу кўрсаткич 100 фоизга етди.

Нархларнинг кўп ўсиши май ойининг бошидан бери ҳукумат озиқ-овқат импортини субсидиялашдан воз кечганида, ҳар йили тахминан 15 миллиард доллар чет эл валютасини тежаганлиги натижасида содир бўлди. Ҳукумат “катта иқтисодий операция” деб атаган бу ҳаракат дарҳол нон, макарон, сут маҳсулотлари, ёғ ва гўшт каби асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошишига олиб келди.

Озиқ-овқат, уй-жой ва бошқалар билан боғлиқ инфляция суб-кўрсаткичлари бўйича бу кўрсаткич анча юқори эди. Россия-Украина уруши дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришга таъсир қилиб, Эрон инфляциясини кучайтирди. Эронда инфляция сурункали ва тарихий хусусиятга эга бўлиб, унга турли омиллар сабаб бўлади. Бироқ бу айниқса, сўнгги уч ой ичida озиқ-овқат ва дори-дармон субсидиялари бекор қилингани сабабли, ҳозирча эронликлар учун энг долзарб ташвишга айланди.

Турмуш шароитларини яхшилаш. Ваъда қилинганидан фарқли ўлароқ, сўнгги бир йил ичida эронликларнинг турмуш шароитларида яхшиланиш кутилганидек содир бўлмади. Нархларнинг ошиши, миллий валютанинг қадрсизланиши, санкциялар туфайли жорий этилган иқтисодий эмбарго ва натижада кўплаб ишлаб чиқариш фаолиятининг тўхтатилиши ҳамда иқтисодий турғунлик Эроннинг харид қобилияти пасайишига сабаб бўлди. Қашшоқлик даражасининг ёмонлашиши, маошларни ошириш талаблари каби масалалар аҳоли турмуш шароитини ёмонлаштириди. Жорий йилнинг июль ойида нафақахўрлар пенсия тўловларини 10 фоизга оширишга қарши намойиш ўтказдилар. Намойишлар ўз бизнеслари ва яшаш шароитларига таъсир кўрсатган валюта курсининг ўзгаришига қарши чиққан бизнес ва бозор эгаларини ҳам қамраб олди (маълумот ўрнида Кооперативлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳисоботларга қўра, Эронда 18 та пенсия жамғармаси мавжуд бўлиб, улар жами 23 миллион 600 мингга яқин нафақахўрни қамраб олади).

Мамлакат нафақахўрларининг умуммиллий норозиликларига гувоҳ бўлди, уларнинг аксарияти ойлик даромади 20 миллион риал ёки расмий курс бўйича 62,5 доллардан кам қашшоқлик чегарасида ва ундан ҳам паст даражада яшамоқда [1].


Эрон Олий Аудит суди бюджетдан ажратмалар бўйича ҳисоботда нафақахўрларнинг атиги 11 фоизи ойига 10 миллион тумандан кўпроқ (ҳозирги 1 АҚШ доллари = 30 000 туман бўйича тахминан 334 доллар) нафақа олишини

маълум қилди. Пенсионерларнинг 89 фоизининг ойлик маоши 5 миллион тумандан 10 миллион тумангача, бу Олий Мехнат Кенгашининг иш ҳақи комиссияси ҳисоблаган энг кам кунлик саватдан пастроқдир. 2021 йил ноябрь оиди ушбу қўмита яшаш учун муносиб истеъмол саватини 11,5 миллион туман деб баҳолаган. Фуқаролик ва ҳарбий давлат жамғармасига қарашли Саба институти томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, пенсия жамғармалари томонидан қопланадиган нафақаҳўрларнинг 86 фоизи яшаш харажатларини қондирмайди ва улар банкдан кредит олишга ёки қариндошларидан қарз олишга мажбур бўлмоқда [2].

Уй-жой муаммосини ҳал қилиш. Йиллар давомида Эроннинг Техрон каби йирик шаҳарларида кўчмас мулк нархлари ва ижара ҳақи сезиларли даражада ошганини ҳисобга олсан, Иброҳим Раисийнинг асосий сайлов ваъдаларидан бири йилига 1 миллион уй-жой қуриш ҳамда уй-жой инқирозини ҳал қилиш учун мос ижарага олинадиган уй-жой қуриш эди [3]. Бироқ, ҳақиқат шуни қўрсатадики, инқироз кучаймоқда, Эроннинг баъзи шаҳарларида ижара нархи ўтган йилнинг ўзида уч баравар ошди.

Эрон ҳукумати Техроннинг пойтахт ҳудудида ижара ҳақини 25 фоиздан, бошқа метрополияларда 20 фоиздан ва бошқа аҳоли пунктларида 15 фоиздан ортиқ оширишни тақиқлаган. Бироқ 2022 йилнинг баҳорида биргина Техронда ижара ҳақи 50 фоизга ошди.

Уй-жой нархининг ошиши натижасида Техроннинг кўплаб аҳолиси арzon уй-жой топиш учун шаҳар четига ёки яқин шаҳарларга кўчиб ўтди. Аввалги тўлқинлардан кескин фарқли ўлароқ, асосан кам таъминланган оиласардан иборат бўлган янги резидентлар асосан Техронда яшаш харажатларини қўтара олмайдиган ўрта синф оиласаридир, чунки Техрондаги ўртача хонадоннинг ойлик ўртача ижараси 95 миллион Эрон риалига (\$310) етди. Бугунги кунда ўрта синф оила ойлик барча даромадини ижара ҳақига тўлаши керак [4].




**2-расм. 2022 йилда Туркияда кўчмас мулк сотиб олевчи мамлакатлар улуши
(Манба: Туркия статистика институти)**

2-расмдан кўришимиз мумкинки, уй-жой инқирози Эрон, хусусан, Техрон дуч келган чукур илдиз отган инқирозлардан биридир. Бу таклифнинг етишмаслиги ва бадавлат кишиларнинг миллий валюта – туманнинг доимий равишда пасайиши фонида ўз пулларини сақлаб қолиш учун қисқа муддатли сармоя сифатида уй-жой сотиб олишга мойиллиги билан боғлиқ. Бошқа томондан кўпроқ тажрибага эга бўлганлар чет элда хусусан, Туркияда қўчмас мулк сотиб олишни афзал кўрдилар. Шунинг учун уй-жойларнинг аксарияти Эрон фуқароларига сотилган: улар 2256 та мулкни сотиб олишган. Иккинчи ўринда Ироқ фуқаролари: улар Туркияда уй-жой сотиб олиш учун 1887 шартнома имзолади. Россия учинчи ўринда, Германия ва Қозоғистон кучли бешликни ёпишади (2022 йил 25 апрель ҳолатига кўра) [5].

Иброҳим Раисий ҳукумати ўзининг биринчи йилида уй-жой инқирозига амалий ечим топишда муаммоларга дуч келди ва 1 миллион уй-жой қуриш ваъдасига тўлалигича эриша олмади. Ваъдага эришиш учун зарур бўлган муддат тўрт йилга чўзилди ва ваъда шу вақт ичидан ҳам амалга ошиши номаълумлигича қолмоқда.

Макроиқтисодий самарадорликни ошириш. Эроннинг макроиқтисодий кўрсаткичларига мурожаат қилиш Иброҳим Раисийнинг сайловдаги ваъдалари қаторига кирди, аммо аниқ бир муддат айтилмаган.



3-расм. Эроннинг ЯИМ даражаси (2012-2022 йиллар)
(Манба: Жаҳон банки)

3-расмда Жаҳон банки маълумотларига кўра, Эрон ялпи ички маҳсулоти 2022 йилда 3 фоизга етиши мумкин, асосан нефть экспортининг ўсиши, нархларнинг ошиши ва нонефт экспортининг кўтарилиши билан боғлиқ. Бироқ, бундай ўсиш Эрон халқи ҳаётини яхшилашга ёки уларнинг даромад даражасини оширишга ҳақиқий таъсир кўрсатмайди. Аксинча, ўн йил аввалгидан фарқли ўлароқ, уларнинг харид қобилияти пасайишда давом этмоқда.

Маълумот ўрнида, Эрон иқтисодининг энг йирик сектори хизматлар соҳаси бўлиб, ЯИМнинг 51 фоизини ташкил қиласиди. Хизматлар бўйича энг муҳим сегментлар: қўчмас мулк ва ихтисослаштирилган ва профессионал хизматлар (жами ЯИМнинг 14 фоизи); савдо ресторонлари ва меҳмонхоналар (12 фоиз)

ва давлат хизматлари (10 фоиз)идан иборат. Нефть ишлаб чиқариш бойликнинг 23 фоизини ташкил қиласди. Ишлаб чиқариш ва тоғ-кон саноати маҳсулотнинг 13 фоизини, қишлоқ хўжалиги эса 10 фоизини ташкил қиласди. Ялпи ички маҳсулотнинг охирги йирик таркибий қисми қурилиш ва электр энергияси, газ ва сув тақсимоти бўлиб, улар умумий маҳсулотнинг 7 фоизини ташкил қиласди.

Бошқа томондан, Иброҳим Раисий ҳукумати нефть ва нефть бўлмаган экспортни оширди. Эрон 2021 йилнинг мартаидан 2022 йилнинг мартаигача бўлган жами 48 миллиард долларлик экспортдан 25 миллиард долларлик нефть, газ ва нефть ҳосилаларини сотишга муваффақ бўлди, бу йиллик 40 фоизга ўсишни англатади. Эрон, шунингдек, Россия ва Куба каби қўшни давлатлар ва Фарбга душман бўлган давлатлар билан савдо иттифоқларини кучайтирга, натижада улар билан савдо алоқалари кўпайди.

Эрон Миллий нефть-кимё компанияси бош директори Беҳзод Муҳаммадий матбуот анжуманида мамлакатда ишлаб чиқарилган нефть-кимё маҳсулотларининг 30 фоизи ички истеъмол қилинаётгани, маҳсулотнинг қарийб 70 фоизи эса халқаро бозорларга экспорт қилинишини таъкидлаб ўтди [6].

Экспортнинг ижобий ўсишига қарамасдан, мамлакат 4 миллиард долларлик савдо камомадига (дефицит) эга. Эронда валюта курсларининг ўзгариб туриши, натижада маҳаллий валюта – туманинг долларга нисбатан қиймати рекорд даражада пасайиб, 2022 йил июнь ойида бир доллар учун 33 минг туманга етганлигининг сабабларидан бири ҳам шу.

Иброҳим Раисий ҳукумати дефицитсиз мувозанатли бюджетга эришмоқчи, аммо ҳозирги иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда буни амалга ошириш қийин бўлади. Ўтган йили бюджет тақчиллиги 21 миллиард доллардан ошди ва бўшлиқ активларни сотиш ва қарз олиш ҳисобига тўлдирилди. Бу инфляция даражасини оширди, бу ҳукуматнинг кейинги бюджетта асосий қарз ва фоизларни (қарзга хизмат кўрсатиш) тўлашни кечикириш тўғрисидаги қарори билан янада кучайтирилди.

Иқтисодий вазиятнинг натижаси. Умуман олганда, Иброҳим Раисий президентлигининг биринчи йилида Эроннинг макроиқтисодий кўрсаткичларида сезиларли яхшиланиш кутилганидек бўлмади, деб айтиш мумкин, экспортнинг ўсиши бундан мустасно. Бироқ макроиқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланиши Иброҳим Раисий президентлик муддатининг қолган йилларида мумкин бўлиши мумкин. Умуман олганда, Иброҳим Раисий ҳукумати ҳозирда қийин вазиятда. Бу вазиятнинг таъсири ижтимоий ҳаракатларнинг кучайиши, такрорий норозилик намойишлари ва ёшларнинг катта қисми эмиграцияни афзал кўришида намоён бўлиши мумкин. 2022 йил август ойида ўтказилган сўнгги ёшлар сўровига қўра, эронлик ёшларнинг 49 фоизи мамлакатни тарқ этишни афзал қўради (Германия кетишини хоҳловчилар учун энг яхши танлов (16%) бўлиб, ундан кейин Канада (15%) ва АҚШ (14%).

“Эронликларнинг аксарияти (55 фоиз) Эрон Фарб билан Эроннинг ядервий масалалари бўйича келишувга эришиши керак, деб ҳисблайди, фақат 17 фоиз бундай келишувга қарши. 18 ёшдан 29 ёшгacha бўлган ёш эронликлар кўпроқ (60 фоиз) келишувни маъқуллайди”, деди Стасис сўров натижалари.

Яна бир қизиқарли сўров натижаси Эроннинг Россиянинг Украинага бостириб киришига муносабати бўлди. Сўровда қатнашганларнинг 35 фоизи Украинага ҳамдард эканликларини таъкидлаган, атиги 12 фоизи Россияни қўллаб-

кувватлайди. Яна 24 фоизи ҳеч бир давлатга хайрихоҳ эмас. Украинаға нисбатан ҳамдардлик даражаси 18 ва 29 ёш эронлик ёшлар орасида юқорироқ (41 фоиз), – деди Стасис Консультинг [7].

Ҳозирги ҳолатга қайтадиган бўлсақ, Эронга қарши иқтисодий санкциялар бекор қилинган тақдирда ҳам, оқибатларини бартараф этиш вақт талаб этади ва аниқ молиявий ва пул сиёсатини талаб қиласди. Балки бу Эрон расмийларини ён беришга ва ядроий келишувга эришиш жараёнини тезлаштиришга ундаиди, бу эса ички келишмовчиликни юмшатади.

ХУЛОСА

Иброҳим Раисий ҳукумати томонидан ҳозирча берилган иқтисодий ваъдаларнинг бажарилиши мураккаблигича қолмоқда. Бундан ташқари, ҳукумат бошқарувида сезиларли ўзгаришлар мавжуд, айниқса, халқ қўллаб-кувватлашини яратиш учун субсидиялар беришда. Субсидиялар тўсатдан бекор қилинди, бу ҳам фуқароларни, ҳам нархларни парокандаликка олиб келди. Бу қарор ҳукуматга бўлган намойишлар кўламини оширди ва Эрон халқининг турмуш шароитини ёмонлаштириди. Санкциялар бекор қилинса ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказилса ҳам, турмуш шароити яхшиланишига йиллар ўтади. Яқин келажакда ҳукумат иқтисодий вазиятга реал таъсир кўрсатиш учун ноодатий бўлган сиёсийchorаларни қўллаш зарурати тўғрисида фикр юритишига тўғри келиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Pooya Stone. Iran's Bankrupted Pension Funds. Iran Focus News and Analysis. June 27, 2022. // URL: <https://iranfocus.com/economy/>.
2. Retirees in the Maze of Poverty. Labor Rights in Iran. A Special Report 2021. P. 6.
3. Al-Monitor. Independent, trusted coverage of the Middle East. Iran's presidential hopefuls promise big on economy, but can they deliver? // URL: <https://www.al-monitor.com/originals/2021/06/irans-pres>.
4. Iran's average housing price increased nine-fold over 5 years. Realty News. // URL: <https://www.rprealtyplus.com/international/irans-average-housing-price-increased-nine>.
5. Immigrant Invest. Prices for the purchase and rental of residential real estate in Turkey are growing faster than in the EU. // URL: <https://immigrantinvest.com/insider/turkish-property-statistics-en>.
6. Iran's Revenue from Petrochemical Industry To Reach \$25B by 2022. Caspian news. // URL: <https://caspiannews.com/news-detail/irans-revenue-from-petrochemical-industry>.
7. Opinion Survey Shows Disappointed Iranians Want A Nuclear Deal. Iran International Newsroom. // URL: <https://www.iranintl.com/en/202206306550>.